

“ТАСДИКЛАЙМАН”

“Ўзйўллойиҳа” ДУК

Бош муҳандиси

Ф. Мамараҳимов

“ ” \_\_\_\_\_ 2022 й.

**М39 “Алмати - Бишкек - Тошкент - Шаҳрисабз – Термиз” автомобил  
йўлининг 1255 - 1315 кмларидаги мавжуд кўприкларни  
диагностика қилиш ишлари бўйича**

### **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**1. Буюртмачи корхона “Ўзйўллойиҳа” ДУК**

**2. Объект жойлашган ўрни:** 1-ЛОТ – ПК 113+76, ПК 175+77, ПК 187+18

2-ЛОТ – ПК 233+54.31, ПК 328+74, ПК 353+98

3-ЛОТ – ПК 510+42, ПК 576+84, ПК 588+77.5

**3. Бажариладиган иш номи:** Кўприк иншоотларини техник диагностикадан ўтказиш.

**4. Ишнинг мақсади:** Кўприк иншоотларини техник диагностикадан ўтказиш ва қуйидагилар бўйича хулоса тайёрлаш:

- Диагностик ҳисобот ИҚН 140-21 қурилиш нормалари асосида ишлаб чиқилсин;
- Кўприкнинг умумий техник ҳолати (агар мавжуд бўлса дефект, бузилишлар ва ёриқларни жойлашган ўрнини ва сонини аниқ кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш бўйича хулосалар тақдим қилиш);
- Кўприк таянчларининг ҳолати бўйича хулоса (агар мавжуд бўлса дефект, бузилишлар ва ёриқларни жойлашган ўрнини ва сонини аниқ кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш бўйича хулосалар тақдим қилиш);
- Кўприкнинг оралиқ қурилмалари ҳолати бўйича хулоса;
- Мавжуд кўприк конструкцияларидаги (оралиқ қурилма, таянч, пойдевор ва қозиклар) бетоннинг мустаҳкамлиги бўйича маълумотлар тақдим қилиш;
- Мавжуд кўприкнинг юк кўтариш қобилиятини аниқлаш ҳамда ШНҚ 2.05.03-12 меъёрий ҳужжатида кўра А14 ва НК100 ҳисобий юкламаларига бардошлилигини текшириш;
- Мавжуд кўприкнинг ҳаракат қисми кенглиги автомобиль йўли категориясига талабларига мос келиши бўйича хулоса тақдим қилиш;
- Кўприк ости бўшлиғи сув оқимини ўткази олиши бўйича хулоса, лозим бўлган холларда ўзан тубини кўтариш ёки тозалаш (тушириш) бўйича тавсиялар бериш;
- Кўприкда бажарилиши лозим бўлган ишлар бўйича хулоса бериш (мукамал таъмирлаш ёки реконструкция қилиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш);
- Кўприкнинг асосий ўлчамларини ўлчаш ва чизмасини чизиш, фотосуратлар билан тўлдириш;
- Мавжуд кўприк таянчларининг ўлчамларини аниқ кўрсатиш жумладан қозикларнинг тури, орасидаги масофа, қозикнинг чуқурлиги, қозикларнинг сони.

Агар таянчлар табиий асосга қурилган бўлса пойдеворнинг ўлчамлари тақдим қилиш;

- Юқоридаги барча маълумотларни ўз ичига олган кўприкнинг техник диагностикаси бўйича ҳисобот тақдим этиш.

5. Диагностика ҳисоботи ушбу топшириқ талабларига асосан қабул қилинади. Ҳисобот қоғоз шаклда 4 (тўрт) нусхада, электрон шаклда 1 (бир) нусхада буюртмачига топширилиши керак.

Сунъий иншоотларни  
лойиҳалаш бўлими ЛБМ:



ИМЗО

Зайнутдинов Н.Х.